



ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР ВА ТЕРРОРИЗМНИНГ МАҚСАД ВА МУДДАОЛАРИГА ЧИЗГИЛАР

Абиллов Ўрол Муродович

Фалсафа фанлари доктори, Тошкент тиббиёт академияси

Ижтимоий фанлар кафедраси профессори

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10208358>

ARTICLE INFO

Received: 19th November 2023

Accepted: 26th November 2023

Online: 27th November 2023

KEY WORDS

Терроризм, вайронкор ғоялар, глобаллашув, дунёқараш, ёшлар, маънавият, маърифат, ахлоқ-одоб.

ABSTRACT

Ушбу мақолада терроризм ҳақида баён этилган бўлиб, унда терроризм ўз мақсадларига эришиш йўлида кишиларда дунёқарашни ўзгартириши, инсонларнинг инсонларга бўлган муносабатларида сохтакорлик, айрим ҳолатларда риёкорлик, худбинлик каби "хислат"лардан унумли фойдаланиш ҳисоби асосида ўз муддаоларига етиш имкониятларини қидираётганлиги ва иллатга қарши курашишнинг бирдан бир йўли, ёшларда юксак маданият, маърифат, ахлоқ-одобни тарбиялаш эканлиги таҳлил этилган.

Айтиш жоизки, бугунги кунда глобал моҳиятга эга бўлаётган ғоят залворли масалалар кўпайиб борапти. Бу инсоният тарихига ва тақдирига, бугуни ва истиқболига жиддий таъсир этмоқда. Айни ана шу муаммолар моҳиятини қанчалик чуқур тушунсак, маънавий оғриқ, руҳий озурдалик шунчалик катта таҳдид солаётганини яна ҳам чуқурроқ ҳис этамиз. Оммавий ахборот воситалари мазкур муаммоларни шу даражада кўп тарғиб этмоқдаки, бу баъзан ғоят фожиали, зиддиятли вазиятни вужудга келтирмоқда.

Кишилик жамияти тарихи ҳеч қачон XX асрдаги сингари фавқулодда мафкуравий ҳолатларга, ғоявий тўқнашувларга ва зиддиятларга дуч келмаган. Айни ана шу ҳодиса янги юз йиллик тақдирини, моҳиятини белгилайдиган омилга айланди. Сиёсий тафаккур, ижтимоий фалсафа, уруш ва тинчлик ҳақидаги ғоялар ривожлангани сари инсоният тобора таҳдид гирдобига тушиб қолапти. Халқлар, миллатлар энди бир-биридан қочиб эмас, бир бирига интилиб яшаш эҳтиёж эканлигини тушуниб бормоқда. Бу ҳолатни бир неча йўналишда кўришимиз мумкин. Жумладан:

Сиёсий соҳада: Уруш ва тинчлик муаммоси доимий ва ҳамиша долзарб масалалардан бўлиб келган. Дунёни термоядро хавфидан қутқариш, халқлар ва давлатлар ўртасида мўътадил сиёсиймафкуравий иқлимни вужудга келтириш, диний экстремизм, фанатизм, халқаро терроризмга қарши курашиш, наркотик моддалар тарқалишига чек қўйиш сингари глобал муаммоларни ҳал этишда, минтақавий можароларни бартараф қилишда юксак сиёсий маданият, уруш маданиятсизлигидан



тинчлик маданиятига ўтиш жараёнида ўзига хос мунозаралар ва музокаралар маданиятини йўлга қўйиш XXI асрнинг оғриқли масалаларидан ҳисобланади. Ушбу глобал масалалар юзасидан гапирар экан, Ислом Каримов мустақиллигимизнинг иккинчи йилидаёқ БМТнинг 48-сессиясида сўзлаган нутқида “Дунё можароларини ҳал этишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш зарур” [1] деган фикрни билдирган эди. Бу билан нотик буюк давлатчилик шовинизми, катта давлатларнинг кичик давлатларга тазйиқи, зўравонлик иллатларига барҳам бериш, дунё муаммоларини ҳал этишда ва жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини яхшилик сари буришда музокаралар йўлини танлаш, ҳар қандай можароли масалаларни ақл-идрок, юксак сиёсий тафаккур ва маданият орқали ҳал этиш зарурлигини кўрсатган эди. Бу билан Ўзбекистон раҳбари сиёсий майдонда давлатимизнинг шарқона ахлоқ, шарқона одоб ва шарқона муносабатлар маданияти орқали ўз сиёсий маданиятини намоён этган эди.

Диний соҳада. Жаҳон динларининг ўзаро интеграцияси ўз ақидалари, диний қоидалари ва ҳуқуқий меъёрлари доирасида фаолият юритган ҳолда, дунёвий масалалар ечимини топишга умуминсоний қадриятлар орқали ёндашишни тақозо этади. Динларнинг бир-бирини инкор этиши, камситиши, бир диннинг бошқа бир дин устидан ҳукмронлик қилиши сингари иллатларга барҳам беришни, масалага диний қарашлар ва эътиқодлар турлича бўлгани билан Аллоҳ ягона эканлиги тамойилидан келиб чиқиб ёндашишни талаб қилади. Демак, Аллоҳга интилиш, яқинлашиш йўли хилма-хил, унга ёндашиш усуллари турли-туман бўлиши мумкин. Бироқ Яратганнинг Ўзи ягонадир!

Иқтисодий соҳада. Биринчидан, жаҳон бозорининг тобора кенгайиб бораётганлиги, ривожланган мамлакатлар ишлаб чиқариш технологияларининг дунёни забт этаётганлиги, ривожланиш йўлига чиққан давлатларнинг илғор технологияларга эҳтиёжи ошиб бораётганлиги иқтисодий қарам сиёсатнинг вужудга келишига йўл қўймаслиги лозим. Тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, давлатларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар, жаҳон ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳар томонлама алоқаларни ва ҳамкорликни йўлга қўйиш, кичик давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш каби ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, ахлоқий камолотни тақозо этади.

Ижтимоий соҳада. Давлатлараро ҳамкорлик, ривожланаётган мамлакатларга бериладиган ёрдам энг аввало беғаразлик моҳиятини ёрқин намоён этмоғи лозим. Турли қўпоровчилик ҳаракатлари, манфаатлар устуворлиги, ижтимоий ёрдам ниқобидаги бузғунчилик кайфиятларидан холи бўлган чинакам дўстлик ва соғлом манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик йўлга қўйилмоғи керак.

Оммавий ахборот воситалари ижтимоий ҳаёт ва тарихий жараён моҳиятини кескин ўзгартириб юборапти. Бу борада, айниқса, “сарик матбуот” деб аталадиган хусусий нашрлар бугун алоҳида мавқе эгалламоқда. Майда, икир-чикир, ғийбатнамо хабарлар билан тўлиб-тошган бу нашрлар воситасида одамларни фикрлашдан, мушоҳада юритишдан тўхтатиб қўйиб, улар онгини енгил-елпи маълумотлар билан банд этиш жараёни тобора чуқурлашиб борапти. Қайсидир машхур хонанданинг оилавий можаролари, бойликлари ва яшаш тарзи, бошқа бир ашулачининг қандай клиплар яратаётганию уларни қай тарзда намойиш этиши ҳақидаги хабарлар



газетхонларни майда фикрлайдиган ожиз кишига айлантириб қўйиши билан бирга яхлит жамиятни оммавий саводсизликка даъват этишдек ғоят хатарли вазифани бажармоқда.

Санъат соҳасида. Маълумки, ҳар қандай санъат асари - миллат руҳининг кўзгуси, қалб туғёнлари ва ҳистуйғуларининг ифодаси. У айна ана шу жиҳати билан ҳам қадриятга айланади. Қадриятлар эса ҳамма вақт моддиятдан устун туради, муқаддас ҳисобланади. Афсуски, бугун қўшиқчилик санъати моддий эҳтиёжлар мезонига, нафси қондириш омилига айланди. Авж олиб кетаётган “шоу-бизнес” тадбиркорликнинг ҳар қандай шаклидан кўра сердаромад, солиқ тўланмайдиган мўмай даромад манбаи бўлиб қолди. Ачинарлиси шундаки, айна ана шу йўлни танлаганлар ўзларини миллат тимсоли, қадриятлар рамзи сифатида кўрсатишади ва бундан уялмайдилар ҳам. Ёшлар эса оммавий тарзда уларга эргашиб, ибрат олишмоқда.

Глобаллашув жараёни иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа бир қанча техникавий соҳаларда ўзининг ғоявий ва мафкуравий жиҳатдан ижобий хусусиятига эга. Булар барчасига бунёдкор ғоялар таъсир доирасининг хизматлари нуқтаи назаридан қарамоқ керак албатта. Тан олиш керак, глобаллашув жараёни кўпгина мамлакатларда ҳар жиҳатдан ижобий ривожланиш имкониятларини кенгайтирди. Бу сир эмас. Лекин, айрим ҳолатларда инсоният тараққиётига зид бўлган вайронкор ғояларнинг глобаллашуви ҳолатига жим қараб туриб бўлмаслигини эътибордан четда қолдирмаслик барчага аён. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, террорчилик, камикадзелик ҳолатлари ҳақида жуда кўп гапирамиз. Ва бунга эҳтиёж ҳам бор. Чунки бугунги дунё айна ана шу тажовузкор ҳодисалардан жабр кўрмоқда. Буюк қадриятлар топталаётир. Инсоният ҳаётига мисли кўрилмаган таҳдид солинмоқда.

Табиийки, буларнинг орқасида турганларнинг барчаси вайронкор ғояларнинг йиғиндисидан иборат маслакка эга бўлган инсонийликка ёт мақсад эгаларининг бирлашмасидир. Келинг, шу ўринда аввало, вайронкор ғоя нима ўзи деган масаланинг кўринишига эътиборимизни қаратайлик. 2009 йилда нашр қилинган “МАЪНАВИЯТ асосий тушунчалар луғати”да вайронкор ғояларнинг қуйидаги мазмун-моҳияти берилган. Луғатда берилишича, а) “Вайронкор ғоялар – бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмуини ифода этадиган таълимот. Жамиятни тубанликка етаклаб, одамларни ғаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундайдиган, халқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этадиган ғоялар (ўзининг шахсий ёки ижтимоий манфаатларини ўзгалар ҳисобига қондириш, босқинчилик, талончилик ва б.). Вайронкор ғоялар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа халқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни қарама-қарши қутбларга ажратиб, бўлиб ташлашга сабаб бўладиган ғоялар мажмуидир. Ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий миллатчилик, фашизм, большевизм, терроризм каби мафкуралар вайронкор ғоялар жумласига киради” [2].

Ўтмишга назар ташлайдиган бўлсак, капитализм ва социализм икки қарама-қарши жамиятнинг мавжудлиги ва улар ўртасидаги бир бирини бўйсиндириш, қарам қилиш ёки яқсон қилишга қаратилган очик ҳамда яширин кураш XX асрнинг глобал



муаммоларидан ҳисобланган. Ўша давр атамаси билан ифодалайдиган бўлсак, капиталистик-индустриал ривожланган мамлакатлар карчалонлари – идеологлари учун эса асосий стратегик вазифа - мақсад ер юзидан коммунизм шарпасини – коммунистик идеологияга асосланган жамиятни супуриб ташлаш бўлган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак икки лагер ўртасидаги кураш ўша даврнинг глобал муаммосига айланган.

Болаларга эртак айтгандай шаклда гапирадиган бўлсак, XX аср 90-йилларининг охирида коммунистик идеологиянинг инқирози билан якунланди. Коммунистик жамият ўз умрини тугатди. Капиталистикчи? Ўз-ўзидан равшанки, “коммунистик” атама билан бирга “капиталистик” атамаси ҳам жуда камдан-кам истеъмол қилинадиган бўлиб қолди. Бир-бирига қарама-қарши турадиган куч бўлмагандан кейин уни ишлатишга ҳожат ҳам йўқда. Лекин, ҳам собиқ капитализм, ҳам собиқ социализм мамлакатларига баравар тазйиқ ва ҳавф солувчи куч сифатида, шунингдек, вайронкор ғояларнинг энг ашаддий эталони шаклида “терроризм” майдонга келди. Бу барча тинчликпарвар ва инсонпарвар тараққиётга ҳавф солувчи оғу сифатида барчанинг тинч ва фаровон ҳаётига баробар таҳдид қилувчи бугунги куннинг глобал муаммосига айланди. Вазият ўзгарди. Ҳозирги пайтда тараққий этган мамлакатлар идеологларининг фикри билан айтадиган бўлсак, “коммунизм мамлакатлар ва халқлар ўртасида асосан маънавий тазйиқ билан шуғулланган бўлсалар, терроризм барчага ҳам маънавий, ҳам моддий зарар келтириш билан халқ бошига битган бало бўлди”.

Айтиш жоизки, ирқчилик, «коммунизм», фашизм, терроризм, мустамлакачиликни тарғиб қилувчи ғоялар каби барча вайронкор ғоялар ўртасида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, энг ашаддийси ва бутун инсоният учун даҳшатлиси бугунги кунда глобаллашиб бораётган, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, бутун ер куррасига ёйилиб кетаётган вайронкор ғоя - бу терроризмдир.

Дарсликларда ва энциклопедик луғатларда берилишича, “Терроризм (лот. Terror – қўрқув, даҳшат) - маълум ёвуз ва инсониятга ёт ифлослик мақсади йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули, қўрқитиш ва даҳшатга солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гуруҳий, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Жамиятга доимий қўрқув, фитнес, ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зўравонлик йўли билан жамият барқарорлигини бузиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги ўлдириш ва портлатишлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади”. Ёки “терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига ҳавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) ҳавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, ҳавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят



кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар” [3]. Терроризм ўз мақсадларига эришиш йўлида кишиларда дунёқарашни ўзгартириш, инсонларнинг инсонларга бўлган муносабатларида сохтакорлик, айрим ҳолатларда риёкорлик, худбинлик каби “хислат”лардан унумли фойдаланиш ҳисоби асосида ўз муддаоларига етиш имкониятларини қидирмоқдалар.

Инсоният тараққиётининг айна ҳозирги босқичида, тўғрироғи, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошидан бугунги кунигача бўлган даврда терроризм ҳақида Президент Мирзиёев таъкидлаб ўтганларидек, “Дунёда терроризм таҳдидлари айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши асосан куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасизлик ташкил этади, деб ҳисоблайман” [4]. Кўриниб турибдики, инсоният ҳаётида афсус ва надоматларга ғарқ бўлган бунданда даҳшатли ҳолат ҳамда ғайри инсоний кўринишга эга бўлган ғаразли, ифлос мақсад йўлидаги ҳаракат бўлмаса керак.

Бироқ жисмоний ҳаракат, феъл-атвор ва интилишлар билан боғлиқ бўлган, қандайдир манфаатларни ўзида мужассам этган бундай ҳолатларга юксак маданият, маърифат, ахлоқ-одоб қайсидир даражада қарши туриши, уларга чек қўйиши, қақшаткич зарба бериши ҳам мумкиндир. Қайсидир ҳудудда қанчадир одам ҳаётига зомин бўладиган бундай ғайриинсоний ҳодисаларнинг олдини олиш имкони бордир. Лекин бутун миллатни буюк тарихидан, улкан маданий меросидан айириб, инсоният ҳаётига маърифат олиб кирган халқ ҳаётини издан чиқариш, миллий анъаналари ва маданиятини бузиб юбориш орқали таназзулга ундашдек маданий-мафкуравий террор ўрнини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Ана шундай маънавий-мафкуравий ҳуружлардан миллатни, жамиятни асрайдиган ягона қудратли куч – миллий ғоя ва миллий мафкурадир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузаси. – Т., Ўзбекистон, 1993.
2. МАЪНАВИЯТ асосий тушунчалар луғати. – Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009.
3. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “терроризмга қарши кураш тўғрисида”. <https://lex.uz/acts/29526>
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқи. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
5. Otamuratov S. Globalization and nation (political and philosophical analysis) //Т.: "New Generation. – 2008. – Т. 39.



6. Абдрахимов А. Б. и др. Фундаментальная и прикладная наука: состояние и тенденции развития. – 2023.